



**“Катта Андижон каналида ГЭСлар каскади қурилиши” инвестиция лойиҳасини амалга ошириш доирасида ер участкаси эгалари ва мулкдорлари билан ўтказилган очик мулоқот якунлари бўйича тузилган  
БАЁННОМА**

«4» май 2023 йил

Учкўргон шаҳар

**Йигилиш раиси** Ж.Риззаев Туман ҳокими

**Иштирок этдилар**

Ташаббускор “Ўзбекгидроэнерго” АЖнинг “1-сон қурилиш дирекцияси» унитар корхонаси вакиллари, ер эгалари, ижарачилари, мулкдорлар ва уларнинг вакиллари

**КУН ТАРТИБИ:**

**1. Учкўргон туманидан оқиб ўтувчи “Катта Андижон каналида ГЭСлар каскади қурилиши” инвестиция лойиҳасини амалга ошириш доирасида ер участкаларини жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш, ер участкаси эгалари ва мулкдорларига етказилган зарар ва бой берилган фойдани тўлаб бериш шартлари тўғрисида.**

Кун тартибидаги масалалар бўйича очик мулоқот иштирокчиларига Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Гидроэнергетикани янада ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2021 йил 10 декабрдаги ПҚ-44-сон Қарорига асосан “Наманган вилояти Катта Андижон каналида ГЭСлар каскади қурилиши” инвестиция лойиҳаларининг техник-иқтисодий асослануви “Гидропроект” АЖ томонидан ишлаб чиқилганлиги ҳамда ўрнатилган тартибда комплекс экспертизадан ўтказилганлиги, Вазирлар Маҳкамасининг “Наманган вилояти Катта Андижон каналида ГЭСлар каскади қурилиши” ва “Сурхондарё вилояти Тўпаланг дарёсида Зарчоб-3 ГЭС қурилиши” инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2022 йил 28 сентябрдаги 534-сон қарори билан инвестиция лойиҳалари техник-иқтисодий

асосланувининг асосий техник-иқтисодий кўрсаткичлари, инвестиция лойиҳалари бўйича кредитни қайтариш ва фоизлар (комиссия) тўлашнинг прогноз жадваллари тасдиқланганлиги, “Ўзбекгидроэнерго” АЖнинг “1-сон қурилиш дирекцияси» унитар корхонаси “Наманган вилояти Катта Андижон каналида ГЭСлар каскади қурилиши” инвестиция лойиҳаси бўйича буюртмачи ва ижро этувчи ташкилот ҳисобланиши тушунтирилди.

Туман ҳокимлиги, “1-сон қурилиш дирекцияси» унитар корхонаси вакиллари жойларда ер эгалари ва ушбу ерлардаги мулкдорлар билан тегишли тартибда суҳбатлар ўтказилган.

Ўтказилган суҳбатларда, халқ депутатлари вилоят Кенгашининг сессия қарори билан Ўзбекистон Республикаси “Ер участкаларини компенсация эвазига жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш тартиб-таомиллари тўғрисида”ги Қонуннинг 4-моддасига асосан ташаббускор “Ўзбекгидроэнерго” АЖнинг “1-сон қурилиш дирекцияси» унитар корхонаси томонидан “Наманган вилояти Катта Андижон каналида ГЭСлар каскади қурилиши” инвестиция лойиҳасини амалга ошириш учун ер участкаларини компенсация эвазига олиб қўйиш ташаббуси жамоат эҳтиёжлари деб эътироф этилганлиги тушунтирилган.

Шунингдек, Инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш доирасида ер участкаларининг давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиниши муносабати билан ер участкалари эгалари, фойдаланувчилари ва ижарачиларининг, кўчмас мулк объектлари мулкдорларининг кўрган зарарлари (компенсация бериш харажатлари) қонунчиликда белгиланган тартибда “Ўзбекгидроэнерго” АЖ маблағлари ҳисобидан амалга оширилиши тушунтирилди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, йиғилиш

### ҚАРОР ҚИЛДИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Гидроэнергетика соҳасини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2023 йил 30 мартдаги ПҚ-104-сон қарори билан “Катта Андижон каналида ГЭСлар каскади қурилиши” лойиҳаларни амалга ошириш учун жами 85,68 гектар, шундан 79,46 гектар сугориладиган ер участкаларини қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар тоифасидан саноат ва бошқа мақсадларга мўлжалланган ерлар тоифасига ўтказилганлиги;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ““Ўзбекгидроэнерго” акциядорлик жамияти фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 18 майдаги ПҚ-2972-сон қарорининг 7-бандига асосан “Гидропроект” АЖ инвестиция лойиҳалари доирасида лойиҳа олди ва лойиҳа хужжатларини ишлаб чиқиш бўйича бош лойиҳа ташкилоти ҳисобланиши маълумот учун қабул қилинсин.

2. Учкўрғон туманидан оқиб ўтувчи “Катта Андижон каналида ГЭСлар каскади қурилиши” инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш доирасида 183 та дехкон, фермер хўжаликлари, “Туман Агро пилла” МЧЖ, хусусий боғ ва

хусусий боғ ва теракзор эгалари тасарруфидаги жами 85,5 гектар, шундан 68,1 гектар экин ерлари, 0,21 гектар боғзор, 4,83 гектар тутзор майдонлари, шундан:

75 та ер эгаларининг 48,7 гектар ер майдонлари доимий фойдаланиш учун жамоат эҳтиёжларига қайтириб олинishi, 108 та ер эгаларининг 35,7 гектар ер майдонлари қурилиш ишлари амалга ошириш давомида вақтинча фойдаланиш учун олиб қўйилиши маълумот учун қабул қилинсин.

3. Туман ҳокимлиги, Қурилиш бўлими, Давлат кадастрлар палатасининг туман филиали, Қишлоқ хўжалиги бўлими, Дехкон, фермер хўжаликлари ва томорқа ер эгалари туман Кенгашининг “Қатта Андижон каналида ГЭСлар каскади қурилиши” учун танланган ҳудудда жойлашган ҳуқуқ эгаларига бериладиган Компенсациянинг (ер участкаларини олиб қўйиш, шу жумладан ер участкасига бўлган ҳуқуқларни, унда жойлашган қўчмас мулк объектларининг бозор қийматини баҳолаш ҳамда уларни бузиб ташлаш билан боғлиқ харажатларнинг) дастлабки миқдори ишлаб чиқилганлиги;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 28 сентябрдаги 534-сон қарорига асосан “Қатта Андижон каналида ГЭСлар каскади қурилиши” лойиҳасини амалга ошириш доирасида ҳуқуқ эгаларига бериладиган Компенсациянинг дастлабки миқдорлари “Ўзбекгидроэнерго” АЖга тақдим этилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

4. Туман ҳокимлиги ҳузурида “Қатта Андижон каналида ГЭСлар каскади қурилиши” лойиҳасини амалга ошириш доираси юзага келадиган масалаларни ҳал этиш бўйича ишчи комиссия таркиби иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ишчи комиссия (С.Собитхўжаев):

Инвестиция лойиҳасина амалга ошириш даврида юзага келадиган масалаларни ҳал этиш чораларини кўриб борсин.

5. Мазкур баён ижросини бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Б.Тўламирзаев, ҳоким ўринбосарлари С.Собитхўжаев, И.Исмоиловлар зиммасига юклансин.

Баёнлаштирди:



Т.Атаханов

Туман ҳокимлигининг 2023 йил  
“\_” апрелдаги \_\_\_-сонли  
йиғилиш баёнига илова

Учқўргон туманида “Катта Андижон каналида ГЭСлар каскади  
қурилиши” лойиҳасини амалга ошириш доираси юзага келадиган  
масалаларни ҳал этиш бўйича ишчи комиссия

#### ТАРКИБИ

- |    |               |  |
|----|---------------|--|
| 1. | С.Собитхўжаев | Туман ҳокимининг ўринбосари, ишчи комиссия раиси         |
| 2. | М.Турсинов    | Туман қурилиш бўлими бошлиғи                             |
| 3. | С.Тургунов    | Давлат кадастрлар палатасининг туман филиали раҳбари     |
| 4. | Б.Абдуллаев   | Туман қишлоқ хўжалиғи бўлими бошлиғи                     |
| 5. | Б.Дадаханов   | Дехкон, фермер ва томорка ер эгалари туман Кенгаши раиси |
| 6. |               | МФЙ раислари   |
| 7. |               | Худуд профилактика инспектори                            |